

КЕСАР УСУЛИДА КЕСИШ МУАММОСИГА ЗАМОНАВИЙ ҚАРАШЛАР(АДАБИЁТЛАР ШАРХИ)

Болтаева М.М., Ахмедов Ф.К.,

Абу Али ибн Синономидаги Бухоро Давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон.

✓ Резюме

Кесар усулида кесиши (КС)- бу жарроҳлик операциялари бўлиб, унда ҳомилдор бачадон кесилиб, ҳомила ва ўйлдош туғдириб олиниб, бачадон деворларининг яхлитлиги тикланади. Кесар кесиши акушерлик амалиётидаги энг кўп учрайдиган жарроҳлик усули бўлиб, операция техникасини нафақат акушер-гинеколог врачлар, балки ҳар қандай мутахассис шифокор амалга ошириши керак. Замонавий акушерликда кесар кесиши катта аҳамиятга эга бўлиб, чунки ҳомиладорлик ва тугруқни асоратсиз кечишини, она ва боланинг ҳаётини сақлашга имкон беради. Кесар кесиши операцияси ҳам ҳар қандай жарроҳлик аралашувлари каби операциядан олдин ва кейин (қон кетиш, инфекция, тромбоэмболия, перитонит) салбий оқибатларга олиб келиш мумкин.

Калит сўзлар: кесар кесиши, ҳомиладорлик, лапаротомия, қон кетиш.

СОВРЕМЕННЫЙ ВЗГЛЯД НА ПРОБЛЕМУ КЕСАРЕВА СЕЧЕНИИ (ОБЗОР ЛИТЕРАТУРЫ)

Болтаева М.М., Ахмедов Ф.К.,

Бухарского Государственного медицинского института имени Абу Али ибн Сино, Узбекистан.

✓ Резюме

Кесарево сечение (КС) (caesarean section) - хирургическая операция, при которой рассекается беременная матка, извлекаются плод и послед, восстанавливается целостность стенки матки. КС - одна из самых распространенных операций в акушерской практике, относящаяся к неотложным пособиям, которые должен уметь выполнять не только каждый акушер-гинеколог, но и врач любой специальности, владеющий оперативной техникой. В современном акушерстве КС имеет огромное значение, так как при осложненном течении беременности и родов оно позволяет сохранить здоровье и жизнь матери и ребенка. КС как любое оперативное вмешательство может иметь неблагоприятные последствия как в ближайшем послеоперационном периоде (кровотечение, инфицирование, тромбоэмболия легочных артерий (ТЭЛА), эмболия ОВ, перитонит), так и в отдаленные периоды жизни женщины.

Ключевые слова: кесарево сечение, беременность, лапаротомия, кровотечение.

A MODERN LOOK AT THE PROBLEM OF CAESAREAN SECTION(REVIEW)

Boltaeva M.M., Akhmedov F.K.,

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sino, Uzbekistan.

✓ Resume

Caesarean section (CA) (caesarean section) is a surgical operation in which the pregnant uterus is cut, the fetus and afterbirth are removed, the integrity of the uterine wall is restored. KS is one of the most common operations in obstetric practice, related to emergency aids, which should be able to be performed not only by every obstetrician-gynecologist, but also by a doctor of any specialty who owns surgical techniques. In modern obstetrics, KS is of great importance, since with a complicated course of pregnancy and childbirth, it allows you to preserve the health and life of the mother and child. CS as any surgical intervention can have adverse consequences both in the immediate postoperative period (bleeding, infection, pulmonary embolism (PE), OS embolism, peritonitis), and in the remote periods of a woman's life.

Key words: cesarean section, pregnancy, laparotomy, bleeding.

Долзарблиги

Кесар кесиши (КС) - бу жарроҳлик операциялари бўлиб, унда ҳомилдор бачадон кесилиб, ҳомила ва ўйлдош туғдириб олиниб, бачадон деворларининг яхлитлиги тикланади. Кесар кесиши акушерлик амалиётидаги энг кўп учрайдиган жарроҳлик усули бўлиб, операция техникасини нафақат акушер-гинеколог врачлар, балки ҳар қандай мутахассис шифокор амалга ошира билиши керак. Замонавий акушерликда кесар кесиши катта аҳамиятга эга бўлиб, чунки ҳомиладорлик ва тугруқни асоратсиз кечишини, она ва боланинг ҳаётини сақлашга имкон беради. Кесар кесиши операцияси ҳам ҳар қандай жарроҳлик аралашувлари каби операциядан олдин ва кейин (қон кетиш, инфекция, тромбоэмболия, перитонит) салбий оқибатларга олиб келиш мумкин.

тонит) салбий оқибатларга олиб келиш мумкин [21,23].

Аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш давлат ижтимоий сиёсатининг муҳим стратегик йўналиши ҳисобланади. Жамиятдаги асосий тенденциялар - туғилишнинг паст даражаси, кам фарзандли оиласлар, экологик муаммолар, замонавий акушерликнинг хусусиятларини олдиндан белгилаб беради. Иккинчидан абдоминал туғилиш частотасининг сезиларли даражада ошиши киради ва бу операция учун кўрсатмалар кенгайиши айниқса ҳомила манфаатлари устунлик қилиши билан изоҳланади[3,7].

20- аср охири -21 асрнинг бошларида тиббиётда ва соғлиқни сақлаш соҳасида инсоният эволюциясига, айниқса унинг кўпайишига таъсир кўрсатадиган ва таъсир этувчи иккита тенденция пайдо бўлди, бу-



лар ёрдамчи репродуктив технологиялар (ЁРТ) ва кесар кесиши жарроҳлик амалиётидир. Нима сабабдан, ушбу иккала тенденция ўзаро бир-бiri билан боғлиқ, ЁРТ орқали ҳомиладор бўлган аёлларнинг аксари кесар кесиши жарроҳлик усули орқали тугруқлари якунланади. Статистик тадқиқодлар шуни кўрсатдики, XXI иккинчи ўн йиллигидаги кесар кесиши жарроҳлик усули абдоминал хирургияда энг кўп бажарилган операциялар сафида турди ва жарроҳлик усули билан тугдириш кўпайиб кетди, амалиёт шифокорлари вакуумэстратция ва акушерлик қисқичларини кўйиши жарроҳлик усулларида умуман фойдаланмай қўшилди[5,9,11].

Россияда ККО частотаси ўртача 15-16% ни ташкил қилади, перинатал марказларида 30-40% га етади ва пасайиш тенденцияси кузатилмайди. Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ушбу операция частотасининг 16 фоизга кўпайиши перинатал кўрсаткичларга сезиларли таъсир кўрсатмади, аммо шу билан бирга оналар касаллиги ва ўлим кўрсаткичини ошириди[1,14].

Кесар кесиши операцияси орқали тугруқ учун кўрсатмалар тузилишини таҳлил қилиш асосан экстрагенитал патологиялар (эндокрин касаллар, ошқозон-ичак тракти касаллар, буйраклар патологияси, кўриш органлари ва бошқалар), бепуштлик, ҳайз кўриш дисфункцияси, бачадон миомаси билан оғриган беморларнинг тарқалиши, шунингдек экстракорпорал уруғлантирилган ёши катта биринчи тувучилар ва ҳомиладор аёллар, тос аъзоларида реконструктив пластик операциялар кечиргандар эканлиги аниқланди[16,18,20].

Аммо абдоминал йўл орқали туғилиш частотасининг ошиши, шунингдек, бачадонда органларни сақлаб қолиш операциялари муаммо тудиради, яъни бачадонда чандиқ бўлган аёлларда ҳомиладорлик ва туғиши олиб бориш бунга мисол бўлади[10,12].

Сўнгти ўн йил давомида дунёнинг барча мамлакатларида кесарча кесиши операцияси частотасининг кўпайиши кузатилди: 1970 йилдаги 5% дан 2017 йилда 15-50% гача. Шу билан бирга, дунёнинг турли мамлакатларида абдоминал тугруқ частотаси жуда катта фарқ қиласи[2,4].

Кесар кесиши жарроҳлик усулига мақсадли равища да кенгайтирилишига кўрсатма уч мақсадда қўлланилнилди булар, перинаталь ўлим, болалар ва акушерлик травмаларидир. Келдирилган далиллар етарлича ишончли эмас, кесар кесиши жарроҳлик усули бола учун тудиришнинг оптимал усули бўлса ҳам, она учун бирор руҳиятига тажавузкор бўлиши мумкин. Шу сабабли, аҳоли саломатлиги кўрсаткичининг доимий пасайиши шароитида, кесар кесиши кўрсаткичларини кенгайтириш орқали биз аёллар саломатлигини, шу жумладан репродуктив саломатликни яхшилаймиз, деб ишониш катта хато бўлади[8,13].

Чет эл тадқиқотчиларининг маълумотларига кўра, Шимолий Америка ва Фарбий Европанинг кўпгина шаҳарларида деярли ҳар тўртинчи бола кесарча кесиши операцияси ёрдамида туғилади. Кесар кесиши операциясининг энг кўп сони Бразилия, Чили, Мексика, Хитой, Австралия ва Германияда амалга оширилди. Эҳтимол, бу мамлакатлarda кесар кесиши жарроҳлик усулинафақаттибий сабабларгакўра, балки аёлнинг хохишига биноан амалга оширилди ("elective cesarean") [22,24].

Туғилганларнинг умумий сонининг деярли ярмида, кесарча кесиши амалиётини ўтказиладиган давлатлар

мавжуд масалан, Шри-Ланка, Лотин Америкасида абдоминал тугруқ 24-46% ни ташкил қиласи. Шу билан бирга, кесар кесиши операцияси энг кам Японияда амалга оширилди (15%). Шу билан бирга, Марказий Африка ва Осиёнинг ривожланаётган мамлакатларида, ҳомиладор аёлларнинг шошилинч кўрсатмалари бўлса ҳам, кесарча кесиши операцияси ўтказилмайди, чунки ҳомиладор аёлларнинг аксарияти, аҳолининг кам таъминланган қатламларидандир[6,15].

Мамлакатимизда, турли хил муаллифларнинг фикрига кўра, кесар кесиши операциясининг частотаси 9% дан 33,6% гача ва акушерлик ёрдамининг даражаси ва профилига боғлиқ[19].

Акушер-гинекологнинг ишидаги энг жиддий асоратлардан бири бачадондан массив қон кетишидир, бу жарроҳлик ва фармакологик гемостазанинг янги усуллари пайдо бўлишига ва жорий қилинишига қарамай, оналар ўлимининг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бир қатор муаллифларнинг таъкидлашича, барча акушерлик қон кетишининг ярми гипотензия ёки бачадон атонияси туфайли содир бўлади. Шу билан бирга, қон кетишига мойил бўлган баъзи омиллар мавжудлиги аниқланди, яъни плацента ажралиш пайтида ўз фаолиятини тўхтатганда қон ивиш тизимининг таркибий қисмлари нисбати ўзгаришидир[17].

Тугруқдан кейинги аёлларда йўлдошни ажратиш пайтида плацентада синтез қилинган плазминоген активатор ингибитори ПАИ-2 даражаси қисқа вақтга пасаяди, бу тугруқдан кейинги даврда гемостатик тизимнинг плазмин таркибий қисмнинг фаоллигини ошишига олиб келади, бу қон йўқотишининг кўпайишига олиб келади. Бу омил, бошқа фон касаллар оқибатида, қон йўқотиши миқдорини кўпайтириши мумкин. Бундан ташқари, кесарча кесиши операцияси билан қон йўқотиши ва бачадондан массив қон кетиш хавфи вагинал туғилиш билан солишириганда юқори[19,21].

Хозирги вақтда амалий акушерликда тугруқ ва тугруқдан кейинги даврда аллақачон мавжуд бўлган бачадон қон кетишини, уни келтириб чиқарган сабабларни ҳисобга олган ҳолда даволаш учун турли хил усуллар кўлланилади[3,6].

Сўнгти йилларда ҳомиладорлик пайтида безовталик ва депрессияни бошдан кечираётган ва шу муносабат билан седатив дориларни қабул қилган беморларнинг кўпайиши тенденцияси кузатилмоқда. Кўтарилилган безовталик ва депрессив ҳолатлар жуда кенг тарқалган, аммо етарлича эътибор қаратилмагани туфайли кўпинча ҳомиладорлик жараёнлари ва ҳомиладорликнинг натижаларига салбий таъсир кўрсатади[5,10].

Бундан ташқари, сўнгти йилларда вегетатив асаб тизимининг ҳомиладорлик ва акушерлик асоратлари ривожланишига таъсири масаласи долзарб бўлиб қолди. Баъзи бир муаллифларнинг фикрига кўра, бу симпатик ва парасимпатик асаб тизимларининг мувозанатли ишлаши туфайли ҳомиладорлик ва туғиш пайтида аёл танасининг физиологик ва биохимёвий кўрсаткичлари, юрак-қон томир, нафас олиш ва бошқа тизимларининг ритми оптимал даражада сақланиб туради. Шу билан бирга, бошқа олимларнинг фикрига кўра, сўнгти йилларда ҳомиладор аёлларда вегетатив нерв системаси касалларнинг частотаси 3 марта кўпроқ ва барча соматик касалларнинг 19,8 фоизини ташкил этди[1,11,22].

Бу бузилишлар ва асоратларни ривожланишининг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш учун симптоматик дисфункция фонида ҳомиладорлик ва туғиши жараёнининг хусусиятларини ўрганишга маълум қизиқиши оширади. Шу билан бирга, бизда мавжуд бўлган адабиётларда вегетатив асаб тизимининг турлари ва кесар кесиши операцияси пайтида қон йўқотиш ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш бўйича маълумот топилмади[24].

Кўпинча акушерлик патологияси пайдо бўлган ёки прогрессивланган ҳомиладорлик ва тугруқ абдоминал туғилиш билан якунланади.

Турли манбаларга кўра, оғир прееклампсия ва эклампсияда кесарча кесиши операцияси частотаси 79%, муддатдан олдинги тугруқларда - 32%, тугруқ куслари дискоординациясида- 13%, плацентанинг вақтдан олдин ажралиши - 92%. Плацента етишмовчилиги ва ҳомила аҳволининг ёмонлашиши туфайли перинатал йўқотишларни камайтириш учун кесар кесиши операцияси ушбу ҳомиладорлик асоратига эга бўлган ҳомиладор аёлларнинг 83%идаги ўтказилади[3,4].

Тадқиқчиларнинг фикрича, қониқарсиз тугруқ ёки тугруқ кучлари сустлиги доим ҳам кесар кесиши жарроҳлик амалиёти учун кўрсатма бўлавермайди (бундай юқори фоиз, уларни даволаш мумкин эмаслиги ёки хоҳламаслиги сабабли бўлиши мумкин). Умуман олганда, қониқарсиз тугруқ ёки тугруқ кучлари аномалиялар билан асоратланганда, ҳар бештадан биридан кесар кесиши жарроҳлик усули қўлланилмоқда.

Y. Ziporin ва хаммуалифларнинг фикрича (2019) табиий тугруқ йўллари орқали туғдиришда она ва бола учун натижаси яхши бўлиши мумкин, аммо тугруқнинг иккинчи даврининг чўзилишида аёлни кесар кесиши жарроҳлик усулини ўтказмасдан тугруқга қўядиган бўлсақ, унда она учун асоратларнинг кўпайишига (тугруқ йўлларининг шикастланишига, тугруқдан кейинги қон кетишиларнинг кўпайишига) олиб келинади, бола учун эса (киндик тизимчасидаги қонда pH< 0.7 пасайишига ва интенсив палаталарга тушишига сабаб бўлади)[11,23].

Бир қатор тадқиқчилар ҳомиладорлик ва туғиши пайтида ҳар қандай асоратларнинг ривожланишини она-плацента-ҳомила тизимида компенсацион-адаптив механизmlарнинг бузилиши, аёл ва ҳомиланинг туғилиш стрессыга мослашиши билан изоҳлашади.

Умуман олганда, абдоминал туғилиш ҳомила асоратлари сонининг камайишига олиб келади: чаноқ билан келишда 3 баравар, муддатдан олдин туғилишда - 3 баравар, ҳомиланинг аспирацион синдромида - 5 баравар, шунингдек, акушерлик ва экстрагенитал патологияларда - 3 ва 4 баравар. Ўз вақтида бажарилган абдоминал тугруқ, чаноқ туби мушакларида тугма шикастланишларни 53 фоизга, 75% аёлларда оғир ногиронликни ривожланиши, шунингдек, фавқулодда вазиятда оналар ўлимини 80 фоизга олдини олади[19,22].

Аксарият маҳаллий акушер - гинекологларнинг фикрига кўра, баъзи хорижий мамлакатлarda бўлгани каби, аёлнинг хоҳишига биноан эмас, балки қатъий тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлса, кесарча кесиши амалиётини ўтказиш керак. Жарроҳлик аралашувиининг ҳар қандай турида, операция вақтида ва операциядан кейинги даврда турли хил асоратлар пайдо бўлиши мумкин. Турли муаллифларнинг фикрига кўра, кесарча кесиши пайтида асоратларнинг тарқалиши 7-19,5

фоизни ташкил этади ва бу ҳам акушерлик, ҳам экстрагенитал патология билан боғлиқ бўлиши мумкин, яни миометрийнинг қисқариш фаоллиги, бачадон ривожланишидаги аномалиялар ва йўлдошнинг жойлашиши, ҳомиланинг ўлими, шунингдек, соматик касалликларнинг оғир декомпенсатсияланган кечиши билан боғлиқ[5,11,13].

Бундан ташқари, асоратлар сони операциянинг узоқ давом этиши, вужудга келган техник интраоперацион қийинчилклар, врачларнинг малакаси етарли эмаслиги, тиббий муассасанинг қисман жиҳозлашиши ва бошқа омиллар билан ортади.

Абдоминал туғилишнинг энг нокулай ва нисбатан тез-тез учрайдиган (12,4%) асоратларига дунёда оналар ўлимининг асосий сабабларидан бири бачадон массив қон кетиши киради. Россияда сўнгти ўн йил ичida ҳомиладорликдан қон кетиш билан боғлиқ оналар ўлими ўртacha 16,2% ташкил этди[2,6].

Шу билан бирга, оналар ўлими сабаби сифатида қон кетиш асосий ҳолатлар сифатида намоён бўлади - 20% ҳолларда, рақобатдош ва дастлабки ҳолат сифатида - мос равишида 42% ва 78% ҳолларда. Бу ривожланаётган мамлакатларга қараганда (25%) камроқ, аммо, масалан, Скандинавия мамлакатларига қараганда (1,7%) анча юқори. Туғилганларнинг умумий сонига нисбатан, турли манбаларга кўра, Россияда акушерлик қон кетишининг кўрсаткичи ўртacha 9-17% ни ташкил қиласи, бу патологиянинг 50% и бачадон гипотензияси билан, 18% - оғир прееклампсия ва эклампсия билан, 15% - нормал жойлашган плацентанинг вақтдан олдин кўчиши, 8% ҳолларда клиник қон кетиш гемостаз тизимининг ирсий ёки орттирилган нуқсонлари билан, 6% - септик шоқдан кейин, 3% да - амниотик эмболиядан кейин содир бўлади[5,19,21].

Ҳар қандай жарроҳлик амалиётида бўлгани каби, кесарча кесиши операцияси ҳам операция давомида қон кетиш хавфи билан боғлиқ. Таъкидлаш жоизки, кесарча кесиши операцияси пайтида қон йўқотишнинг кўпайишининг яна бир сабаби - бу интенсив қон таъминоти ва ҳомиладорлик билан боғлиқ бўлган бачадон тўқималарининг гипертрофияси.

Хозирги вақтда ЖССТ маълумотларига кўра, табиий туғилиш усули билан 500 мл гача ва абдоминал туғилишда 1000 мл гача қон йўқотиш мумкин. Етакчи акушер-гинекологларнинг фикрига кўра, 1000 мл (тана вазнининг 1,1%-1,5%) дан юқори қон йўқотиш миқдори патологик, 1500 мл (тана вазнининг 1,5% дан ортиқ) қон йўқотиш эса массивdir[9,21].

Шошилинч кесарча кесиши операциясини ўтказётганда қон йўқотиш ҳажми сезиларли даражада ошиши мумкин (2-4 марта). Бачадон қисқарувчанлиги бузилган гипотоник қон кетиши оператив тугруқда ҳам ва вагинал тугруқда ҳам кузатилади. Кўп миқдорда қон йўқотиш ва ҳаёт учун хавфли қон кетишининг ривожланиши плацентанинг жойлашиши ва биринтирилишида аномалиялар билан бирга келади (8%), бу кўпинча кенгроқ мутахассислар ва қимматбаҳо ускуналарни жалб қилишни талаб қиласи.

Массив қон кетишининг ривожланиши қон ивиш омиларининг етишмаслиги, шунингдек бир вақтнинг ўзида қон йўқотиш (1500 мл дан ортиқ) билан боғлиқ[8,12].

Маълумки, массив бачадондан қон кетиши оғир геморрагик анемия ривожланишига олиб келади, бу кўплаб иммунологик параметрларнинг ўзгариши билан тананинг мудофаа механизmlарини бостиришга

олиб келади ва кейинчалик инфекцион ва яллигланиш жараёнларининг ривожланиши учун қулай замин ҳисобланади. Аммо шуни таъкидлаш керакки, операция вақтидаги ва операциядан кейинги асоратлар хавфи мавжуд бўлишига қарамай, абдоминал түгруқ бир қатор клиник ҳолатларда, акушерлик ва перинатал ноxуш натижаларни камайтириш учун зарур операция тури ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, кейинги 5 йил учун ушбу жарроҳлик усули ҳақида гапирадиган бўлсак, шубҳасиз, кесар кесиш жарроҳлик усули билан тугдиришини сезиларли даражада пасайишини кутмаслигимиз керак ва катта акушерлик шифохоналарида унинг даржаси 20-25 фоиз атрофидаги бўлиб, шубҳасиз, ҳозиргача сақланиб қолмоқда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Буянова С.Н., Юдина Н.В., Барто Р.А. Редкие осложнения кесарева сечения - пузырно-маточные свищи // Рос. вестн. акуш-гин. 2018. № 3. С. 83-87. 18.
2. Жаркин Н.А., Прохватилов С.А., Бурова Н.А., Гаврильчук Т.К. и др. Хирургическая реконструкция рубца на матке во время беременности. Показания, условия и риски // Акуш. и гин. 2018. № 10. С. 142-147.
3. Гурьев Д.Л., Троханова О.В., Гурьева М.С., Абдуллаева Х.Г. и др. Применение классификации Робсона для анализа работы акушерского стационара 3 уровня и поиска путей снижения частоты кесарева сечения // Мать и дитя в Кузбассе. 2018. № 4. С. 70-74.
4. Радзинский В.Е., Логутова Л.С., Краснопольский В.И. Кесарево сечение. Проблемы абдоминального акушерства / под ред. В.И. Краснопольского. Специальное Издательство Медицинских Книг (СИМК). 2018. 224 с.
5. Щукина Н.А., Буянова С.Н., Чечнева М.А., Земскова Н.Ю. и др. Основные причины формирования несостоятельного рубца на матке после кесарева сечения // Рос. вестн. акуш.-гин. 2018. № 4. С.
6. Савельева Г.М., Бреслав И.Ю. Разрыв оперированной матки во время беременности и родов // Вопр. гин., акуш. и перинатол. 2015. Т. 14, № 3. С. 22-27
7. ХамидоваН.Р., Туксанова Д.И., Негматуллаева М.Н., Ахмедов Ф.К., современный подход к профилактике ранних послеродовых кровотечений. биология и интегративная медицина.2020
8. Akhmedov F.K. Features of renal function and some indicators of homeostasis in women with mild preeclampsia // European Science Review. Austria, Vienna, 2015, № 4-5. - С. 58-60.
9. Akhmedov F.K., Negmatullaeva M.N., KurbanovaZ.Sh. Modern views on the problem of preeclampsia // A new day in medicine.1 (21) -Tashkent, 2018. - p. 180-185.
10. Akhmedov F.K.,Role of study renal blood flow and concentration of uric acid in blood and urine in the diagnosis of preeclampsia - Биология и интегративная медицина, 2020.
11. Visser G.H.A., Ayres-de-Campos D., Barnea E.R. et al. FIGO position paper: how to stop the caesarean section epidemic // Lancet. 2018. Vol. 392, N 10 155. P. 1286-1287. doi: 10.1016/S0140-6736(18)321135.
12. Betr?n A.P., Ye J., Moller A.-B., Zhang J. et al. The increasing trend in caesarean section rates: global, regional and national estimates: 1990- 2014 // PLoS One. 2016. Vol. 11, N 2. Article ID e0148343. doi: 10.1371/journal.pone.0148343.
13. Occhi G.M., de Lamare F.N.T., Neri M.A. et al. Strategic measures to reduce the caesarean section rate in Brazil // Lancet. 2018. Vol. 392, N 10 155. P. 1290-1291. doi: 10.1016/S0140-6736(18)32407-3
14. Hoxha I., Syrigiannouli L., Braha M. et al. Caesarean sections and private insurance: systematic review and meta-analysis // BMJ Open. 2017. Vol. 7. Article ID e016600.
15. Zipori Y., Grunwald O., Ginsberg Y. et al. The impact of extending the second stage of labor to prevent primary cesarean delivery on maternal and neonatal outcomes // Am. J. Obstet. Gynecol. 2019. Vol. 220, N 2. P. 191.e1-191.e7. doi: 10.1016/j.ajog.2018.10.028.
16. Peress D., Dude A., Peaceman A. et al. Maternal and neonatal outcomes in triplet gestations by trial of labor versus planned cesarean delivery // J. Matern. FetalNeonatalMed. 2019. Vol. 32, N 11. P. 1874-1879. doi: 10.1080/14767058.2017.1421931.
17. Nakamura-Pereira M., Esteves-Pereira A.P., Gama S.G.N. et al. Elective repeat cesarean delivery in women eligible for trial of labor in Brazil // Int. J. Gynaecol. Obstet. 2018. Vol. 143, N 3. P. 351-359. doi: 10.1002/ijgo.12660.
18. Young C.B., Liu S., Muraca G.M. et al.; Canadian Perinatal Surveillance System. Mode of delivery after a previous cesarean birth, and associated maternal and neonatal morbidity // CMAJ. 2018. Vol. 190, N 18. P. E556-E564. doi: 10.1503/cmaj.170371.
19. Sawada M., Matsuzaki S., Nakae R. et al. Treatment and repair of uterine scar dehiscence during cesarean section // Clin. Case Rep. 2017. Vol. 5, N 2. P. 145-149. doi: 10.1002/ccr3.766.
20. Tulandi T., Cohen A. Emerging manifestations of cesarean scar defect in reproductive-aged women // J. Minim. Invasive Gynecol. 2016. Vol. 23. P. 893-902.
21. Ma Y., Kohn J., Zhang Y. et al. Single-incision laparoscopic repair of a cesarean scar defect // Fertil. Steril. 2019. Vol. 111. P. 607-608.
22. Liu X., Landon M.B., Cheng W. et al. Cesarean delivery on maternal request in China: what are the risks and benefits? // Am. J. Obstet. Gynecol. 2015. Vol. 212, N 6. P. 817.e1-817.e9. doi: 10.1016/j.ajog.2015.01.043.
23. FishelBartal M., Sibai B.M., Ilan H. et al. Trial of labor after cesarean (TOLAC) in women with premature rupture of membranes // J. Matern. Fetal Neonatal Med. 2019 Jan 17. P. 1-7. doi: 10.1080/14767058.2019.1566312.
24. Fobelets M., Beeckman K., Faron G. et al. Vaginal birth after caesarean versus elective repeat caesarean delivery after one previous caesarean section: a cost-effectiveness analysis in four European countries // BMC Pregnancy Childb. 2018. Vol. 18, N 1. P. 92. doi: 10.1186/s12884-018-1720-6.

Поступила 09.09.2020